ФОЛЬКЛОРДА КЎЗ ТИМСОЛИ БАДИИЯТИ

Шаҳноза Тўлқиновна НОРҚУЛОВА
Ўқитувчи
Термиз давлат университети
Термиз,Ўзбекистон
shaxnozanorqulova8@gmail.com

Аннотация

Мақолада халқ оғзаки ижодида кўз тимсоли мавзуида сўз юритилди ва ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларининг ижоди билан халқ ижодиёти қиёси ҳам амалга оширилган. Шунингдек, халқ ижодиёти намуналаридан мақол, топишмоқ, қўшиқ, эртак, достон ва бошқалар кўз муносабати билан таҳлилга жалб этилган.

Таянч сўзлар: мақол, топишмоқ, қўшиқ, эртак, достон, ижод, ҳаёт, тажриба, олис ўтмиш, аср, замон, қадрият, анъана, кўз, кўзгу, сирли, сеҳрли, маъно, мазмун, мулоҳаза, талқин.

ОБРАЗ ГЛАЗА В ФОЛЬКЛОРЕ

Шахноза Тулкиновна НОРКУЛОВА
преподаватель
Термезский государственный университет
Термез,Узбекистан
shaxnozanorqulova8@gmail.com

Аннотация

В статье рассматривается образ глаза в фольклоре и сравниваются произведения узбекской классической литературы с фольклорными произведениями. Пословицы, загадки, песни, сказки, былины и другие также анализируются с точки зрения народного творчества.

Ключевые слова: пословица, загадка, песня, сказка, эпос, поэма, творчество, давние времена, прошлое, век, время, ценность, традиция, глаз, зеркало, тайный, чародей, смысл, содержание, размышление.

Ўзбек халқ ижодиёти асрлар оша тарихий тараққиёти давомида рўй берган турли ҳодисаларга, турфа жараёнларга гувоҳ сифатида олис йўлни босиб ўтди. Халқимизнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибаси, улкан маънавияти, юксак кадриятлари, гўзал анъаналари тажассум топган топишмоқ, мақол, қўшиқ, эртак ва достон каби бадиий бисотининг бизнинг даврмизгача безавол етиб келишида оғзаки ижодиётнинг аҳамияти беқиёсдир. Мақол ва қўшиқлар, эртак ва достонлар

халқимизнинг ўтмишини англашда, бугуни билан ҳамнафас бўлишда, эртанги порлоқ кун орзуси билан яшашда муҳим қирраларни намоён этади. Ўзбек халқининг доноларча яратилган мақол ва дилкаш қўшиқларида, пурмаъно эртак ва серфайз достонларида кўз тимсолининг бадиий жилоси, айниқса ўзгача тароватга эгалиги билан алоҳидалик касб этиб келади. Кўз – башарга Оллоҳ тарафидан инъом этилган энг мўъжизавий тизимга тааллуқли сирли, сеҳрли ҳодисадир. Кўз – инсоннинг энг нозик ва энг асосий аъзоларидан биридир, у орқали инсон оламни кўради, шу туфайли одамни танийди. Инсоннинг масрур онлари ҳам, мусибатли дамлари ҳам, кўз билан боғлик, бахтиёр кезлар кўз яшнайди, ҳатто кулади, мусибат чоғлари эса юм-юм йиғлайди, керак бўлса бўзлайди.

Халқ ижодиётида кўз таърифи ва кўз тавсифига боғлик кўплаб мақоллар ва қўшиқларнинг мавжудлигига шоҳид бўлдик. Биргина, О*талар сўзи – ақлнинг кўзи [8;323]* мақолида қанчалар маъно-мазмун жамулжам. Мақолдаги “кўз” сўзи кўзгу, ойна маънолари билан бир қаторда равшанлик, поклик, оқлик, узоқни кўра билиш, донишмандлик маъноларини ҳам англатади. Аждодларимизнинг биргина сўзи қатламида ёки қатида қанчалар пурмаъно донолик ва зукколик рамзи кўз орқали берилмоқда. Кўз сўзи воситасида ёшларимиз кекса авлоддан ибрат олишга даъват этилмоқда, шу билан бирга аждодлар удумларига риоя этишга чорланмоқда. Бу хил зукколик ва донолик, илм ва фанга алоқадор мақоллар жуда кўп бўлиб, уларда халқимизнинг донишмандлик ғоялари илгари сурилади. *“Илми йўқнинг кўзи юмуқ” [8;196]* мақолида илмсизнинг ёки илми йўқнинг “кўзи юмуқ”лиги, унинг кўрлигига ишора бўлиши баробарида дунё сирларини теран англай олмасликдек жаҳолат “кўз” сўзида жамланган. Зотан, уни бошқа бирор сўз, калима ёки ибора билан ифода этиб бўлмайди, балки кўз ила ифодалаш мақсадни равшан намоён этмоқда. *Ишнинг ўзини билгунча кўзини бил [8;211]* мақолида ишнинг юрагини, яъни унинг асл мағзини илғаш тағин кўз сўзи орқали ифодаланмоқда.

Кўз ифодаси билан боғлиқ халқ мақолларида ижобий ва салбий талқин ёнма-ён келади. Чунончи, очкўзлик ва баднафслик ҳақида “*Ўзи тўймаганнинг кўзи тўймас” [9;228*] мақола бор.

Эл назаридан қолиш, элдан қочиш, эл-улусдан узоқлашиш, элга нописанд қарашдек салбий қилиқлар жиддий танқид остига олиниб, шунга ишора қилувчи “*Эл қарамаса, эллик йил ётар, Эл кўзидан қолган тупроққа ботар [9;116]* мақоли бор.

Бундан ташқари, ортиқча ҳадик беҳуда чўчиш, бўлар-бўлмасга иккиланиш, беқарорлик, қўрқоқлик, қуён юраклик тўғрисидаги мавжуд мақоллар ҳам бевосита кўз образи билан боғлиқ *“Кўз қўрқоқ – қўл ботир” [8;248*] мақоли бор.

Шунингдек, мақолларда халқимизнинг менталитетига хос меҳр-муҳаббат, меҳр-оқибат, яхшилик, эзгулик, меҳрибонлик каби ўзига хос одатлар, чинакам фазилатлар тарғибу-ташвиқ этилади. Булар “*Меҳр – кўзда, ақл-сўзда” [8;275], “Юз - юзга тушар, Меҳр кўзга тушар” [9;192*] тарзида ифодаланади.

Астойдил ҳаракат, тинимсиз интилиш, узлуксиз тиришқоқлик ғояларини ўзида мужассам этган мақоллар ҳам эътиборга лойиқ. Бу “*Чини билан йиғласанг, Сўқир кўздан ёш чиқар” [9;142] тарзида ифодаланади.* Бу мақол сиртдан қараганда салбий бўёқларга эгадек туюлса-да, аслида унинг моҳиятида, таг замирида ижобий маъно, ижобий туйғу жамланган. Сидқидиллик ила ҳаракат қилсанг, эринмай интилсанг, албатта ниятингга, орзуингга етасан деган маъно мужассам. Бунинг тамоман тескариси бўлмиш ортиқча чираниш, ҳуда-беҳуда ҳаракатга ўхшаш иллатлар қораланиб, кишиларни огоҳликка чорловчи мақоллар ҳам бор. Бу “*Қош қўяман деб, кўз чиқарма” [9;289]* тарзида ифодаланади. Бу мақол кўпинча, қўлидан келса-келмаса ҳар бир ишга аралашувчи, ношуд, бефаросат, тажрибасиз одамларга истеҳзоли киноя тарзида айтилади [6;333]. Баъзан кўзга ишора воситасида

истеҳзоли, киноялы, зимдан ношуд кимсалар устидан енгил кулиш, тўғрироғи масхара қилишга мойил мақоллар ҳам кўп учраб туради. Масалан, “*Ишнинг ўзини билгунча-кўзини бил” [8;211]* мақолида асосий урғу ”кўз” ифодасига берилиб, ҳар бир ишда тадбиркор, омилкор, моҳир ва устамон бўлишга даъват устуворлик касб этган. Ушбу ўринда асосий мақсад “кўз” сўзини ишнинг, ташвишнинг, муаммонинг ёки жумбоқнинг ҳал этувчи калити ёки ечими кўринишида намоён этишдир. “Ишнинг кўзи” дейилганда, унинг ўзагини топиш, унинг асл моҳиятини англаб етиш, унга тушуниш, яъни моҳирликка чорлов етакчи маъно касб этмоқда.

Халқ мақолларида “кўз” сўзининг турли қирралари ўз ифодасини топган ва булар “кўз”нинг сирли жиҳатларини очиб беришда хизмат қилади. Инсон кўз туфайли ёруғ дунёни кўради, яхши-ёмоннинг, оқ-қоранинг фарқига боради, гўзалликни ҳис этади, нохуш қилиқларга нафрати ошади. Айнан шу хил мавзуга оид мақоллар ҳам элимиз ичида “*Ўзи йўқнинг кўзи йўқ” [9;228]*. тарзида қўлланиб туради. Бу мақол ишлатилганда, аввало, киноя тарзида қўлланади, шунингдек, гина қилиш, ўпкаланиш, араз ҳолатларини ҳам ифодалайди. Айни шу мақол, одатан, маълум бир йиғинда, тўйда, базмда, гапда, суҳбатда, гурунгда иштирок этмаган одамга нисбатан ишлатилади. “Нега шундай деймиз” китоби муаллифлари бу мақолни тўйга улуш, ҳисса тақсимоти кезлари таомилга айланган расм-русум билан боғлаб изоҳлашади. Улуш тақсимоти пайти ўша ерда ҳозир бўлганларгина ўзига тегишли ҳиссаларини оладилар, йўқлар эса қуруқ қолар экан [6;308]. Ёки бўлмаса, ёр-дўстлар, қариндош-уруғлар, хеш-акробалар билан тез-тез дийдор кўришиб туришга ундовчи мавзуга доир “*Кўздан йироқ - кўнгилдан йироқ [7;288]*. мақолининг қатор кўринишлари мавжуд. Булар “*Кўздан нари – кўнгилдан нари” [8;248], “Кўз қаерда бўлса, меҳр ҳам ўша ерда” [8;247], “Кўз кўзга тушса, меҳр қўзғалар” [8;247]*, “*Кўз кўрмаса, кўнгил севмас” [8;247], “Кўзга яқин – кўнгилга яқин” [6;151], “Кўз қизикса, кўнгил қизийди” [6;151], “Кўздан кўзинг тойса, сўздан кўнглинг тояр” [8;248]* тарзида қўлланилади.

Кўринадики, мақоллар ягона тизимдаги мавзу оламига тегишли ва уларнинг ҳар бири қариндошлар, қондошлар қанчалик ҳол-аҳвол сўраб турсалар, бир-бирларига шу қадар кадрлирок, янада меҳрибонрок бўладилар, дейилмоқда. Башарти қариндошлар ўзаро ҳол-аҳвол сўрашни насия қилиб қўйсалар, ўртада тобора узоқлашув бошланади, меҳр-оқибат, қадр-қиммат сўниб боради. Қизиғи мавлоно Лутфий ўз ғазалларидан бирида шу мақолга мурожаат этиб, гўзал бадиий тасвир яратган:

Дилбар соғинмағон жиҳати бу фирок эмиш,

"Кўздин йироқ бўлса, кўнгулдан йироқ" эмиш [1;110] .

Мавлоно Лутфий халқ мақолидан истифода этиб, ажойиб ирсоли масал шеър санъатини намойиш килмоқда ва кўз воситасида тез-тез дийдорлашув бўлмаса, яъни фироқ – ҳижрон, айрилиқ, хатто севишганларни бир-биридан совутар экан, фироқ севишганларни бир-бирига бўлган меҳрини мустаҳкамлаш ўрнига уни бузишга восита экан, ана шу ҳодиса кўз сўзи оркали ифоданинг муддаосини очиб бермоқда. Демак, кўз кўрмас экан, яъни ошиқлар учрашиб, висол оғушида бўлмас эканлар калбнинг ҳам ўзаро жудоликка бардоши етмай совуши муқаррар қонунга айланар экан.

Мавлоно Лутфийнинг ирсоли масалайнга энг зўр мисол тариқасида эътирофини топган:

Аёқингға тушар ҳар лаҳза гису,

Масалдурким :"Чароғ туби қаронғу" [1;214],

матлаъи ила бошланувчи ғазалида ҳам кўз сўзига ишора этувчи мақолга дуч келамиз:

Юзунгни тутгум ортуқ ойу кундин,

"Кишининг кўзидур, оре, тарозу" [1;214].

Бу тасвир халқимизнинг ушбу **"***Кўз – тарози, кўнгил – қози" [8;247]* мақолини бехос хотирга туширади.

Халқ топишмоқларида ҳам кўзга ишора ва шама этувчи ҳолатлар анча-мунча учрайди. Ушбу ифодада ўзига хос жиҳатларга эга топишмоқлардаги кўз

ифодасида кўзга мос аломатлар турфа сўз ўйинлари орқали амалга оширилади ва халқ донолиги ўз намойишини топади.

“*Том устида қўш чироқ” [3;33]* мақолида кўзга хос ҳолат ифода этилиб, кўз чироққа ўхшатилмоқда, кўзнинг кўриш қобилиятига, унинг чўғдай ёниб туришига зимдан ишора қилинмоқда. Кўзни ўчмас чироққа, ёруғ юлдузга ўхшатиш нафақат топишмоқларда, балки халқ қўшиқлари, эртаклари, достонларида ҳам учрайди ва бу одатий ҳолдир. Кўзнинг кўриш қобилиятини ифодаловчи тағин бир топишмоқда кўз учар қушга (яъни, олис-олисларни кўра оладиган) ўхшатилади, кўз гоҳо, ҳатто қора бағирни тешар экан (бу унинг ўткирлигига ишора):

Қушдан илдам учар,

Қора ернинг бағрин тилар [3;48].

Дарҳақиқат, қушлардан бургут ва лочинлар кўзи ўткирлиги туфайли ўз ўлжасини узоқ-узоқлардан ҳам кўрар экан. Ҳатто кўз ўткирликда шу қадар кучлики, у қора ер қаърини ҳам кўришга қодир. Бу ўринда тағин инсоннинг тенгсиз заковати кўз орқали “*Ола кабутар, Топилмас гавҳар” [3;34]* тарзида ифодага тортилмоқда.

Бу топишмоқда ҳам айни шу юқоридаги мавзуга оид ҳолатга такрор мурожаат этилиб, кўз эндиликда қимматбаҳо гавҳарга менгзалмоқда. Булар “*Кундузи ёнар, Кечаси сўнар” [3;33], “Оҳурда ола бузоқ ўйнайди” [3;34],* “*Икки оғайни бир - бирини кўрмайди” [3;34] тарзида ифодага тортилган.*

Шу каби кўз билан ёнма-ён турувчи киши аъзолари ҳақида ҳам тўқилган талай топишмоқлар борки, булар кўпроқ кўз ва киприк ҳақидадир. Зотан, кўз атрофида киприкдан ташқари қабоқ ва қош жойлашган, демак уларни бир-биридан ажратиб, айро таърифлаш билан гоҳо бирга тавсифлаш одат тусини олган. Қолаверса, киприк ва айниқса, қабоқ кўзнинг ростакам ҳимоячилари, улар ҳамиша биргаликда ёнма-ён туришади. Энди шуларга ўхшаш айрим топишмоқларга эътибор қаратайлик. Булар “*Атрофи чакалакзор, Ўртаси ёруғ юлдуз” [3;34], “Ойнам усти копкокли,*

Атрофлари чачоқли” [3;35], “Дарёнинг нарёгида бир тўп йилқи, Бер ёгида тўп йилқи, Тепишар экан-да, қопишар экан” [3;48] тарзида ифодаланган. Англашиладики, "чакалакзор", "чачоқ" ва "бир тўп йилқи"дан мурод – киприк, "ёруғ юлдуз ва ойна"дан муддао – кўздир. Тўғри учинчи топишмоқда кўзга очиқ ишора бўлмаса-да, уни англаб олиш унчалик мушкул эмас. Бу хил кўз ва киприк мавзуида тағин қуйидаги топишмоқларни кўриш мумкин:

Сандиқчамни очдим, ёпдим [кўз].
Сачоқлари ташқарида қолди [киприк].
Бир қудуқнинг бошида кирқ қиз,
Ҳам қопишар, ҳам топишар [3;3].

Кўз ва киприк мавзуидан ташқари гоҳида кўз ва қулоқ мавзуида ҳам топишмоқлар учраб туради:

Эшитади, кўрмайди [қулоқ].
Кўради, эшитмайди [кўз].

Топишмоқлар билан танишув шуни кўрсатадики, кўз, киприк ва қулоқдан ташқари яна инсон аъзоларидан тиш, бармоқлар ва қўл мавзуида топишмоқлар борлиги истифода этилди. Узоқ бормай бир мисол келтирамиз:

Ўттиз бўри бир жойга макон қўйди,
Ўнта хизматкор, икки қоровул қўйди [3;50].

Эътибор берилса, ўттиз бўри – тиш, ўнта хизматкор – бармоқлар, икки қоровул кўзлардир. Бунга ўхшаш топишмоқлар жуда кўп, масалан, инсон аъзоларидан биратўла кўз билан биргаликда соч, қош, бурун ва оғиз мавзуига оид топишмоқларни кузатамиз. Топишмоқларда эслатилганидек, кўз аксаран чироққа ўхшатилади, бу ҳодиса кўзнинг алоҳида ўзига хослик аломатлари билан боғлик бўлса ажаб эмас.

Халқ оғзаки ижодининг қўшиқ, эртак ва достонларида ҳам кўз тимсолига кўп бор мурожаат этилишининг табиий ҳоллиги барчага аён. Халқ қўшиқларида

кўз тимсоли тасвири алоҳида бир меҳр билан тараннум этилади. Масалан, *“Ўйнаб турган кўзлари, Гавҳардайин ёр-ёр” [3;23]*.

Кўзни гавҳарга ўхшатиш, аввало, унинг ёниб туриши бўлса, аслида бу ўринда унинг гўзаллигига, чаролигига урғу кучлироқ берилмоқда. Энди бошқа бир дилрабо қўшиққа эътибор қаратинг:

Синглимни тентак қилмасин,
Қуралай қора кўзларинг.
Хушсуратим, вой-вой,
Қуралай кўзим вой-вой! [11;45].
Ёр юрган кўчаларни,
Супурай сочим билан.
Чанги чиқса сув сепай,
Кўздаги ёшим билан [11;55].

Бу ўринда қизнинг – маҳбубаниг ўз ёри – йигитга қанчалар меҳри баландлиги, унинг ички кечинмаси кўз ёши орқали исбот этишга қаратилган. Энг муҳими эл ичида машҳур ва манзур «Ёр-ёр» қўшиқларида кўз тимсоли тасвири «айрича» ифодада берилмоқда. Халқимизнинг тилидан ва дилидан чуқур жой эгаллаган йигит ва қиз айтишуви тарзида шаклланган «Ёр-ёр» қўшиқлари бунга ёрқин мисол бўлади:

-Кўзингни қора дейдилар,
Қора кўз укам ёр-ёр.
Кўрсат кўзингни мен кўрайин,
Кўралай кўз укам ёр-ёр.
-Кўзимни кўриб нима қиласиз,
Сиз акажоним ёр-ёр.
Тоғлардаги гул бутакўзни,
Кўрмабмидингиз, ёр-ёр,

Оҳуларнинг кўзларини,

Кўрмабмидингиз, ёр-ёр [10;32].

Бу «Ёр-ёр»да йигит ўз ёрининг кўзини нечоғлиқ таъриф-тавсиф этмасин, қизнинг айтганларида кўзнинг асл таърифига аниқ жавоблар берилгани бор ҳақиқатдир. Кўзнинг бўтакўз гулга ўхшатилиши бошқа қўшиқларда ҳам учрайди:

Дарёларнинг ул юзида,

Бўтакўзми, ёр-ёр [11;240].

Кўзнинг бўтакўз гулга қиёслаш билан бирга уни наргис гулига, умуман, гулга мукояса этилиши ҳодисалари ҳам мавжуд:

Гул наргисдек кулиб,

Турган кўзингдан ўргилай [10;40].

Халқ қўшиқларида бўлганидек, халқ достонларида ҳам кўз чўлпон юлдузига ўхшатилади, жумладан, «Суманбар» достонида Жаҳонтойнинг Суманбарга айтганлари диққатли:

Ноз устига нозлар қилиб имода,

Кўзлари чўлпоним, «қайдан келасан?» [4;56].

Кўзни гавҳарга, бўтакўзга, наргисга, оҳу-кўзига, чўлпонга, гулга ўхшатиш анъанавий ҳол бўлганидек, кўзни куралай, қора деб тасвирлаш билан гоҳо кўз чўғга таққосланади:

Барчин турар ҳурдай бўлиб,

Тиши гавҳар дурдай бўлиб,

Куралай кўзи чўғдай бўлиб,

Кўрганларнинг кўнгли тўлиб [11;61].

Гоҳо кўздан оққан ёш, яъни кўз ёши селга, жалага қиёс этилади ва таъсирли бадиий тасвир яратилади. «Алпомиш» достонида Барчиннинг Алпомишга айтганлари бунга ғоят ёрқин мисол бўла олади:

Не сабабдан тўрам, қаддинг букилди?

Жаладай бўп ёшинг тўкилди? [11;106].

Бу ифодада йигит ори учун, ёри учун гоҳида бўзлаш ҳолатлари тасвири тасвирланмоқда.

Халқ қўшиқларида «кўзи хумор» ифодаси билан «кўз тегмасин» ибораси одатдаги ҳодиса. «Кўзи хумор» ифодасида чиройли кўз, мастона кўз назарда тутилса «кўз тегмасин» иборасининг маъноси озгина бошқачароқ. Халқимиз ўз фарзандларини ёмон кўздан асраш учун уларга тумор тақиб қўйишади, булар ирим-сирим бўлса-да, ажойиб удумларимизнинг бир кўринишидир:

Сен қаёқдан келасан,
Чиройлигим, кўзи хумор.
Сенга кўзлар тегмасин,
Буйнинга ос тилла тумор [10;40].

Фарзандларни кўпинча янги келинчакни умуман, кўздан, кўз тегишидан, суқланишдан, суқ тегишидан, бало-қазодан авайлаш ниятида уларга кўзмунчок тақиш ҳам урфга айланган:

Кўзмунчоқлар, тақинглар,
Кўз тегмасин, ёр-ёр [3;.69].

«Кўзи хумор», «Хумор кўз» ибораси халқимизнинг эртак ва достонларида севиб қўлланувчи бадиий тасвир воситаларидан бўлиб, ушбу ифода воситасида турфа бадиий бўёқлар яратилган. «Бектемир ботир» эртагида айрилик ва ҳижрон азобини ифодалаш учун «Хумор кўз» иборасидан истифода этилади:

«Аканг келди» дегунча,
«Аканг ўлди» десангчи!
Хумор-хумор кўзига
Тупрок тўлди десанг-чи! [2;100].

«Кунтуғмуш» достонида Холбеканинг аянчли, абгор ва маҳзун аҳволи ифодасини топган мисраларда кўз ёши орқали мунгли нидо акс-садо беради:

Алам тортиб банди-буғнин бўшлади,
Икки хумор ола кўзин ёшлади [5;201].

Шунингдек, халқ оғзаки ижодида раҳм-шафкат, раҳмдиллик, назар-писанд қилмаслик, кишига нописанд қараш, каландимоғлик сингарилар «кўзи қиймади», «кўзга илмади» иборалари билан ифодасини топади:

Ёкаси ҳўл кўздан оққан ёшига,
Депсиб борди Холбеканинг қошига,
Болларини шўрлик кўзи қиймади [5;201].

«Суманбар» достонида Суманбарнинг Жаҳонтойга қарата айтганларида «кўзга илмадинг» ибораси ўзининг тўлақонли ифодасини топган, десак муболага бўлмас:

Кўзларим йўлингда эрди, келмадинг,
Ё билмадим, мени кўзга илмадинг [4;69].

Халқ оғзаки ижоди – чексиз хазина, тубсиз уммон, унинг тагига етиб бўлмайди, аммо унинг қадрига етиш жоиз. Халқимизнинг қўшиқ, эртак ва достонларида интизорликни, муштоқликни, илҳақликни ифодасини берувчи «кўзи тўрт бўлмоқ» ёки фарзанди азиз ифодаси учун қўлланувчи «кўзининг қораси», «кўзининг оқу-қораси», «кўрар кўзи» иборалари бадиий бўрттиришнинг энг яхши омилларидан саналади. Жумладан, «Варқа билан Гулшоҳ» достонида Гулшоҳнинг Варқага деганлари:

Кўзим тўрт бўп, йўлларингга қарадим,
Сўзла, Варқа, паҳлавоним, на бўлди [4;168].

Фарзанд ифодаси учун «Равшан» достонида Хасанхонга дўсти дарвозабоннинг дегани тасвирини топган манзара яхши мисол бўла олади:

Оқизма кўзингдан конли жолангни,
Умри узун бўлсин кўзи қорангни,

Карчиғай келбатли сенинг фарзандинг,

Икковимиз ҳам танимаймиз болангни [11;121].

Худди шу манзара тасвири насрий йўлда давом эттирилади. *«Шунда Хасанхон полвон ёлғиз боласи, кўзининг оқу- қораси, балки, Така ва Ёвмишнинг сараси – Равшан (ўғли)ни топиб…» [4;122]*. Бунга яна бир яхши мисол «Тоҳир ва Зуҳра» достонида Тоҳирнинг онаси ҳақида гап кетиб, Тоҳир ўз онасининг *«дунёда ёлғизи, кўрар кўзи» [4;17]* тарзида ташбеҳ қилинади.

Кўз ва кўз ёши таъриф этилган халқ мақолларида «кўз қорачиғи» ёки ёшининг кучи ўта таъсирли ифодасини топган. Масалан:

Кўз очиб кўрган – кўз қорачиғи [8;247].

Ёки:

Кўз ёши тошни эритар [8;247].

Мақолларига эътибор қаратсак, кўзнинг кучига қойилмақом тавсиф берилмоқда. «Кўз ёши» шу қадар қудратли кучга эгаки, унинг қудрати зўрлигидан тош эрийди, тош қумга айланади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, демак халқ оғзаки ижодида кўз ташбеҳи ўзига хос ва мос қирраларда ечимини топган ҳамда узоқ замонлар оша сайқалланиб келмоқда экан.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Лутфий. Сенсан севарим. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 464 б.
2. Олтин бешик: Эртаклар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – 256 б.
3. Остонаси тиллодан (тўй қўшиқлари). //Нашрга тайёрловчилар: М.Мирзаева, А.Мусақулов. – Тошкент: Фан, 1992. – 112 б.
4. Osman T. Тоҳир ва Зуҳра. Достонлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. – 280 б.

5. Ширин ва Шакар. Кунтугмиш. Орзигул. //Нашрга тайёрловчи: М.Шайхзода – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. – 384 б.
6.Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Нега шундай деймиз: Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – 352 б.
7.Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома: Ўзбек халқ мақолларининг изохли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон энциклопедияси, 1990. – 528 б.
8.Ўзбек халқ мақоллари. Икки томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1987. – 368 б.
9.Ўзбек халқ мақоллари. Икки томлик. 2 -том. – Тошкент: Фан, 1988. – 372 б.
10. Ўзбек халқ қўшиқлари (араб алифбосида). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – 54 б.
11.Ўзбек шеърияти анталогияси. Беш томлик. 1-том. //Тузувчилар: Ҳ.Зарифов., М.Алавия., С.Мутталибов. – Тошкент: Ўздавнашр, 1961. – 312 б.